

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ИРГАШ ДАМИНОВ

ОТА-ОНА – ҲИКМАТ, ФАРЗАНД – ЧИРОҚ

(Методик қўлланма)

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2019

УЎК 37.015.31:17.022.1

КБК 71.0

Д 18

Даминов, И.

Д 18 Маънавий тарбия [Матн] / И. Даминов. – Тошкент: «Маънавият», 2019. – 40 б.

ISBN 978-9943-04-384-8

Ушбу методик қўлланма миллий тарбиянинг муҳим босқичи – фарзанд тарбиясига оид зарур тавсиялар баёнидан иборатdir. Мана шу масъулиятли жараёнда ота ва она, мактабгача тарбия муассасаси ходими, ўқитувчи ва мураббийлар, жамоатчилик ҳамда тарғиботчилар албатта эътибор қартиши лозим бўлган жиҳатлар бирма-бир таҳлилу талқин этиладики, бу хусусият рисоланинг қадрини, ўқишилигини кафолатлади.

Методик қўлланма юқорида санаб ўтилган мутасаддилардан ташқари, кенг китобхонлар оммасига ҳам қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

УЎК 37.015.31:17.022.1

КБК 71.0

М а съ у л м у ҳ а р р ир:

*А.К. Қодиров, Республика Маънавият ва
маърифат маркази раҳбари*

Т а қ р и з ч и:

У. Уватов, тарих фанлари доктори, профессор



КИРИШ

Ақл сохиблари фитратда, яъни ҳар қандай гунохдан пок туғилиб, вояга етиши асносида шаклланади, ўзгариши. Мана шу ўзгариш инсоний танлов асосига қурилган бўлиб, унинг кейинги ҳаётини белгилаб беради. Инсонга фақат ота-она ва ватанни танлаш имкони берилмаган. Шундан бўлса керак, улар мудом қиёсланади. Дин ҳам танловлардан бири. Шунинг барабарида хуқуқ ҳамдир.

Умуман, дин – инсонларни ғоявий мақсадли бирлаштириш усули. У – мусаффолик манбаи, диллар соқинлиги. Одоб-ахлоқ ва маърифат диндан бошланади. Дин орқали қалблар яқинлашади, маданиятлар бирлашади. Бугун маънавият ҳам дин билан чамбарчас боғлиқ экани тобора аниқ бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, дин миллий қадриятларимиз билан уйғунлашиб кетган. Дунёда турли-туман халқлар яшар экан, уларнинг эътиқодлари ҳам ўзига хослик касб этади. Бу эътиқодларни мужассам этувчи динлар бир халқнинг ёки дунёдаги барча инсонларнинг мақсад-муддаоларига қаратилган бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, уларнинг барчаси фақат эзгуликни тарғиб қиласи. Зоро, уларнинг вужудга келишига ҳам ёвузыликни инкор қилиш ва бунёдкор ғоялар рўёбига эришиш сабаб бўлган. Ислом нажот динидир. Ислом инсонларни сабрга, умидга, эзгуликка тарғиб қиласи, тарбиялайди. Ислом ақидасига кўра, жами-

ятни қонун бошқариши лозим. Хуллас, миллий-дий маънавиятнинг бирламчи мақсади эзгуликдир. Шундай экан, фуқароларнинг уларга эътиқод қилиш эркинлигини таъминлаш, бошқа дин вакилларининг ҳақ-хуқуқларини ҳурмат қилиш қонун асосида мустаҳкамланиши, таъминлашини лозим. Шундагина жамият тинч, миллат ва элатлар баҳтли, тараққиёт бардавом бўлади.

Бу рисола бола тарбиясининг айрим жиҳатлари, ота-она – фарзанд муносабати, устоз – шогирд мажбуриятлари масалалари таҳлилига бағишланган.





ОИЛА – МАЬНАВИЯТ ЎЧОГИ

Оила бир-бирига маъкул, ёқимли икки жинс ваки-лининг иттифоқи бўлиб, никоҳдан улар ўртасидаги тенглик тушунилади. Шундай экан, жуфти ҳалолни танлаш ҳам илмдир. Унга кўра, куёв бўйи баландрок, бойлиги кўпроқ, мансаб – лавозими юқорироқ, насабда улуғроқ бўлиши; келин жуфтидан ҳаёси кўпроқ, чиройда устунроқ бўлиши мақсадга мувофик. Аксинча ҳолатда эр ва хотин бир-бирини тушунишда қийинчиликларга дуч келади.

Эр ва хотин ўзаро муҳаббатли, раҳмли, шафқатли бўлсин. Зеро, бу фазилатларнинг барчаси оиланинг устунлариридир. Аммо оиланинг энг катта устуни – эр-как. Бу иттифоқнинг тақдири кўп жиҳатдан айнан унга боғлиқ.

Никоҳ, бугунги кунда айрим тоифалар талқин қи-лаётганидек иллат, тутқунлик, эркни, хурликни чеклаш эмас, балки юксаклик ва камолотдир. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: «Дунё матодир, дунё матоларининг яхшироғи солиҳа – тақводор аёлдир» (Имом Муслим ривояти).

Никоҳ туфайли насл давом этади. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Уйланинглар, кўпайишишинглар, чунки мен қиёмат кунида умматимнинг кўплиги билан фаҳрланаман». Англашилганидек, уйланишдан мурод – наслни давом эттириш, бу дунёда ўзидан из қолдириш. Боланинг ҳалқимизда «чироқ» дейилиши ва табиий равишда боласиз ўтганларга нисбатан «бу

дунёда чироқ қолдирмади» иборасининг қўлланиши ҳам шундан.

Никоҳ – турли ёмонликлардан ҳимоя. Чунки шахвати ғолиб келган инсонга унинг ақли ҳам, дини ҳам ёрдам бера олмаслиги мумкин.

Оиланинг муқаддаслиги унинг мақсадлари билан белгиланади. Чунки оила қуришдан асосий мақсад фарзандdir. Фарзанд, насл давомчиси бўлиши баробарида, аниқ вазифалар, мажбуриятларга эга. Масалан, бола отаси ўтирган уйнинг томига чиқмайди, унинг изнисиз гапирмайди, номини айтиб чақирмайди, ҳатто у бўлмаса ҳам, исмини айтиш ножоиз саналади, отасидан тепада ўтиrmайди, отаси кўзига тик қарамайди. Бу – хурмат.

Ўз навбатида, ота-она ҳам аниқ вазифаларни зиммасига олиши лозим. Оиладаги мана шу масъулияту мажбуриятлар бирлашиб, оила мънавиятини ҳосил қиласди. Демак, у қўрғон ичидагиларнинг умумий, баҳамжиҳат ишидир.

ОНАЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Манбаларда келтирилишича, аёлнинг шахсий, моддий ҳамда одобий ҳукуқлари бор. Шахсий ҳукуқ: аёлнинг эри томонидан ҳурмат қилиниши, ҳаёт шериги, уйининг бекаси, қалб ва кўз қувончлари бўлмиш фарзандларининг онаси ва сирдоши сифатида эътироф этилиши. Булардан энг муҳими фарзанд тарбиясиadirki, унда исроф ҳам, баҳиллик ҳам бўлмаслиги керак. Исроф деганда ортиқча меҳр бериш, моддий таъминотда ҳаддан ошиш ва, ҳатто, қилган айбларини бошқалардан, айниқса, унинг отасидан яшириш тушунилса, баҳиллик юқорида келтирилганларнинг зиддицир.

Оналар болаларини тўла икки йил эмизса яхши экани мўътабар манбаларда алоҳида таъкидланган

(Бақара, 233). Лекин она зиммасига эмизиш мажбурияти мутлақ юкланмайды. Эмизиш – ихтиёрий амал. Шунга күра, она истамаса, ота масъулиятни зиммасига олиб, зарур холда чақалоқни эмизиш учун энага ёллайды. Мұхаммад (а.с.)нинг оналари ҳам тирик бўла туриб Саъд қабиласига мансуб Ҳалима исмли аёлга эмизиб, тарбия қилишга берилганлари бунга ёрқин далиллар. Аммо чақалоқни эмизган аёл унутилмаслиги лозим. Чунки бу бола уни эмизган аёлнинг фарзандлари билан эмикдошга айланиб, никоҳлари қайтарилиган. Эмизиш одоби ҳам бор. Яъни, она ёки эмизувчи ювуқсиз аҳволида болага қарамасин, нотоза ҳолида юзланмасин. Бу – одоб.

Аёлнинг одоб ҳуқуқларига гўзал муомала, турмуш одоблари, маълум масалалар ечимида тингланниши киради. Шунга кўра, аёл томонидан бирор айб содир этилса, унга насиҳат қилинади. Баъзи ҳолларда унинг унча катта бўлмаган камчиликларига кўз юмиш ҳам имондан. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аёлларга яхши панд-насиҳат қилинглар, чунки аёл қовурғадан яратилгандир. Албатта, қовурғаларнинг қийшиқроғи юқоридагисидир. Агар уни тўғрилайман десанг, синдириб қўясан. Агар шундоқлигича ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади. Шунинг учун аёлларга яхши панд-насиҳат қилинглар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Аёл ҳам эрини ва унинг майлларини ҳурмат қилиши лозим. Бу, аввало, аёлнинг ўзи учун, баҳтли ва шод яшаши, оила тинчлиги учун мұхим. Эрга итоат, айримлар таъкидлаётганидек, қуллик эмас, балки меҳр-муҳабbat, қўл остидагининг бошлиққа ҳурматидир. Маълумки, итоат ва бошқарув бўлмаган ҳаётда тартибсизлик, жамиятда баҳтсизлик ҳукм суради.

ФАРЗАНД – НЕЬМАТ

Фарзанд – улуғ неъмат ва раҳмат. Неъматлар эса қадрланиши, эъзозланиши, авайланиши лозим. Ҳадиси шарифларда келтирилишича:

Биринчидан, бола туғилганда ушбу хушхабар биринчи бўлиб отага етказилади. Айнан ота ҳаммадан аввал ҳабардор қилинишга ҳақли. Чунки, бу – оила қувончи, оталик ғурури. Ота фарзанд кўрганидан фахр қиласи, қолаверса, шу орқали унда масъулият ҳисси кучаяди.

Иккинчидан, ота-боболар ўгитига кўра, гўдакнинг ўнг қулоғига аzon, чап қулоғига такбир айтилади. Ҳасан ибн Али (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ким фарзандли бўлса, унинг ўнг қулоғига аzon, чап қулоғига такбир айтсин. Унга Умму Сибён¹ зарап бермайди», – дедилар». Шайтон зарап бермайдиган бола улгайганида жамият қонунларига итоаткор, илоҳий низом қўриқчисига айланади.

Учинчидан, таҳник қилинади. Таҳник – бирор ширинликдан оз миқдорда боланинг оғзига суреб қўйиш. У ҳалқ орасида «танглай кўтариш» номи билан ҳам маълум. Манбаларда ширинлик тури аниқ кўрсатилмаган, аммо илк ислом даврида таҳник асосан хурмо билан қилинган. Чунки хурмо машхур ширинлик ва қувват берувчи мевадир.

Тўртинчидан, сочи олинади. Имом Молик «Муватто» асарида шундай ёзади: «Фотима (р.а.) Ҳасан ва Ҳусайн, Умму Гулсум ва Зайнабнинг сочини олиб, ўлчаб, шу миқдорда кумуш садақа қилганлар». Шу ўринда садақанинг зикр қилинишида ҳикмат бор. Инсон садақа орқали имон саломатлиги, қўнгил хо-

¹ Ҳадисдаги «Умму Сибён» шайтон бўлиб, болаларги зарап келтириши айтилади.

тиржамлигига эришади, ўзидан заифларга шафқатли, меҳрли бўлишга ўрганади. Юқоридаги маълумотдан яна бир хуоса келиб чиқади: соч олиш ўғилга ҳам, қизга ҳам бирдек тегишли.

Бешинчидан, чиройли исм қўйиш. Ислам ўз эгаси билан нафақат бу дунёда, балки қиёматда – жаннат ё дўзахда ҳам бирга бўлади. Шундай экан, бола исми билан фарҳ қилсин – уялмасин. Маънодор бўлсин. Миллатга хос, динга мос бўлсин. Талаффузга қулай, энг муҳими, соҳибига маъқул бўлсин. Жарангдорлик доим ҳам чуқур маънодан дарак беравермайди. Айримлар болаларига бир неча «қисмли» исмларни қўядики, кейинчалик ҳатто ўzlари ҳам уни қисқартириб – маъносини бузиб айтади. Шу боис ота-она исм танлашда илм аҳлига мурожаат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ақиқа қилиш. «Ақиқа» лугатда «кесиш» маъносида келади. Истилоҳда эса эваз, гаров бўлиб, болага етадиган бало, тузалмас касалликлар эвазига унинг номидан бирор жонлиқни қурбонлик қилишдир. Ақиқа учун кўпинча қўчкор танланади. Кейинги пайтларда кузатилаётганидек, айримлар ақиқа маросимини дабдабали ўтказишга интилаёттир. Бу нотўғри. Маълум бўлганидек, мазкур ҳолатда биргина жонлиқ, масалан, қўй сўйиш кифоя. Шунда ҳам «болам учун», «боламнинг ҳаққига» дейилмайди. Бинобарин, ҳар бир садақа Аллоҳ йўлига бўлиши лозим. Манбаларда белгиланганидан ортиқчаси исрофдир. Мусулмонларнинг исрофдан қайтарилгани маълум.

Еттингчидан, ҳатна қилиш. «Хатна»нинг лугавий маъноси – «териникесиши». Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Аммор ибн Ёсиран ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Етти нарса фитратдандир: оғизни ғарғара қилиб чайиш, бурунни чайиш, мўйлабни қисқартириш, мисвок тутиш, тирноқларни

олиш, құлтиқ тагини тозалаб туриш, киндик остини пок тутиш ва хатна қилиш». Пайғамбаримиз алайҳи-с-салом айтдилар: «Хатна эркакларга суннатдир». Бу амал учун тантана шарт әмас. Овоза қилиш ҳам талаң этилмайды. Хатнани «Суннат түйи», дея әлга ош беришдан қайтарилган.

ТАРБИЯ – КЕЛАЖАККА ЙҮЛ

«Тарбия»нинг луғавий маъноси – «ўстириш, ривожлантириш». Тарбия – инсонни моддий ва маънавий камолотга элтувчи низом. Низом услублари, асослари, мақсад-муддаолари ва манбалари ўзгарса, тарбия ҳам янгича қўриниш қасб этади. Имом Фаззолий «Ихёу улуми-д-дин» асарида шундай ёзади: «Бола ота-она-нинг қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қиласди. Нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота-онаси, одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвонсифат бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши гуноҳкор бўлади».

Ота ва она бола тарбиясига масъул биринчи инсонлардир. Улар фарзандига ҳалол едириши, меъёрида кийдириши, яхши, гўзалликларни кўрсатиб, эзгу нарсаларни эшиттириши даркор. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, инсон кўзи саккиз нарсадан қувват олади: Қуръон ўқиши, адолатли давлат раҳбари билан сухбат қуриш, олимнинг сухбатида бўлиш, гўзал юз ва ҳусниятга қарашиб, оқар суву зарга боқиши, яшилик – табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш. Боласига буларнинг барчасини раво қўриш, соғиниш, шунга ин-

тилиш – ота-онанинг бурчи. Имом Ғаззолий таъкидла-
ганидек, болага бугун берилган неъмат ҳеч вақт ўтмай
сайқалланиб, тугал ҳолда эгасига қайтади. Жумладан,
ота ва онага ҳам. Бунга тарих гувоҳ. Демак, ёшлар – ме-
росхўр, ҳаётй вазифаларни эгалловчи ўринbosар.

Аждодларимиз илм орқали нажотга эришганлар.
Бинобарин, дин ҳам илм, билимларга олиб борувчи
йўлдир. Тафаккур йўлидир. Айни шу жиҳат диннинг
жамият ҳаёти, тараққиёти учун зарурий ҳодиса, иж-
тимоий ҳаётнинг ажралмас қисми эканини англатади.
Дин ижтимоий, маънавий муносабатларни юзага кел-
тирувчи, шунингдек, уларни амалга оширувчи омил
ҳамдир. Шу боис, диннинг жамиятда бажарадиган иж-
тимоий, маънавий, руҳий вазифалари мавжуд. Улар:

Авваламбор, ҳар қандай дин ўз эътиқод қилув-
чилари учун етакловчи, тўлдирувчидир. Динда аниқ
фоя ва мақсад бўлади. Мана шу мақсад сари ундаш
унинг етакловчилигини англатса, фоялари инсонда-
ги бўшлиқни бунёдкор, эзгу фикрлар билан тўлди-
ради. Инсон ҳаёт қийинчиликлари, мураккабликла-
ри олдида, жамият билан муносабатларида иложсиз
қолса, доим маънавий-руҳий кўмакка эҳтиёж сезган.
Бу эҳтиёж кўпинча дин бўлиб, ундан маънавий-руҳий
озиқ, қониқиш, тасалли олади. Бу хислатлар диннинг
азалий сифатидирки, тоабад шундай бўлиб қолади.
Эътибор қилинса, ҳар бир динда инсонлар учун умид
бўлади. Хусусан, мусулмон бу дунёда эришмаган мод-
дий ёки руҳий орзу-истакларига охиратда эришишига
ишонади ва савоб, хайрли ишларни кўпроқ қилишга
интилади – ёмонлиқдан тийилади. Шу орқали ҳаёт
машаққатларига сабр қиласи. Ислом мусулмонларни
қиёсга ундейди: камбағал одамлар ўзидан-да ночор-
ларга боқади, соғлом одам бемор ҳолатидан ибрат ола-
ди, илмсиз, аксинча, оқилу донога ҳавас қиласи. Бу

эзгу ғоя жамият соғломлиги, мамлакат тараққиётига олиб келиши шубҳасиз.

Иккинчидан, диний таълимотлар эътиқод қилувчилар ишончини қозониши, ҳар қандай – моддий, маънавий, руҳий, илмий эҳтиёжини қондириши, айниқса, муҳим. Диндаги қандайдир ноқислик ёки таълимотларига инсоннинг аралашуви унга бўлган ишончни камайтиради, демакки, бу дин мазмунан эскира бошлайди. Диннинг эътиқод қилувчилар ишончини қозониши, ўша ишонч – имонни сақлаб туриш жиҳати бирлаштирувчилигидир. Ислом ҳаққонийлиги, энг муҳими, ҳаётийлиги билан турли-туман эътиқоддаги кўпдан-кўп миллат ва элатларни бирлаштира олди. Шу ўринда ўша миллат ва элатларнинг турли урф-одатлар, маданиятларга эгалиги эътиборга олинса, масаланинг муҳимлиги янада ойдинлашади.

Учинчидан, дин назоратчидир. Ҳар бир инсоннинг хатти-харакатларини, шу орқали халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимларию байрамларини ичдан – имон орқали бошқаради, назорат қиласди. Одамлар ички ҳис билан дин қайтарганини қилмасликка, буюрганини бажаришга интилади. Олимлар эса бу тартибларни бошқаларга эслатиш масъулиятини олишган. Шу сабаб бўлса керак, Пайғамбаримиздан ривоят қилинган бир ҳадисда «олимлар барча пайғамбарларнинг меросхўрлари» экани таъкидланади.

Тўртинчидан, дин – эзгулик тарғиботчиси, ёвузлик кушандаси. Эътибор қилинса, бирорта ҳам дин ёки у билан ҳамнафас миллий қадрият «оммавий маданият», экстремизм, мутаассиблиқ, миссионерлик ёки прозелитизмни ёқламайди. Чунки бу иллатлар, диндан фарқли равишда, инсоният таназзули сабабчиларидир. Шу боис, барча динлар одамлар эътиқоди йўлида ҳар хил усуллардан фойдаланган

ҳолда курашган. Жумладан, ислом динида «ал-амр би-л-маъруф ва-н-наҳъий ани-л-мункар», яъни «яхшиликка буюриш ва қайтарилган амалларни қилмасликка ундаш» амалиёти шаклланган. Унга кўра, жумъа намозларида маърузалар қилиниб, инсонлар ташқи таъсирлардан огоҳ этилади, эзгу – савоб ишларга ундалади.

Шунга кўра, замонавий тарбияга дин омилини олиб кириш, ундан ўринли, мақсадли фойдаланиш амалиётини жорий этиш лозим. Дин жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ўзини намоён этар экан, унинг муайян халқ ҳаётидаги ўрнини белгилашда ёшларнинг ролини алоҳида эътиборга олиш муҳим.

Ёшлар жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, унинг келажагида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар жамият ҳаёти ва давлат сиёсатига фаол таъсир кўрсатади. Бу таъсир бевосита ёш авлоднинг илмий камолоти, руҳий холати, маънавияти билан боғлиқ. Бинобарин, ёшлар ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир ўзгариш уларда инсоний фазилатлар шаклланнишига таъсир қиласди. Шу боис, шахслараро муносабатларда маънавий, диний, миллий қадриятларни шакллантириш, инсоннинг ички руҳияти, ақл-заковати, ўзини англаш, яхшиликлар, эзгу ниятларнинг тўла-тўқис бўлиши аҳамиятли.

Дарҳақиқат, асл мусулмон – фарзандни иймон синови, жаннат райҳони, жаннатга олиб борувчи сабаб деб билувчи, аҳли аёlinи асраб-авайлагучи, отаси ризолигини Аллоҳнинг розилиги деб қабул қилувчи, онаси дуосини соғинувчи, илмни тож билувчи, касб-хунарга интилевчи, ватанини муқаддас санагувчи инсондир. Мана шу эътиқоднинг нафақат мусулмонларга, балки бутун инсониятга қаратилгани эътиборга молик.

ҮЙҚУ МАДАНИЯТИ

Бола эрта тонг, барвакт уйғотилиши, бунда ёқимли сўзлар танланиши лозим. Зеро, уйғотиша одоб бор. Бола уйғонишни истамасдан инжиқлик қилганида ҳам, қўполлиқдан тийилиш тарбия учун муҳим.

Бола эрталаб турганида юз-қўлини ювмасдан бошқаларга қарамасликка ўргансин. Муомалага кириш масин. Ҳатто салом ҳам бермасин.

Аввал хонасини шамоллатсин, бадантарбия қилсин, кейин ювинсин. Бола қўлини ювганида бармоклари орасини ҳам ювсин. Ўргатиш керак. Тишларини албатта ювсин. Ҳадисларга мувофиқ мисвок (замонавий тиш чўтка ва пасталари) ишлатиш – суннат. Унга кўра, уйқуга ётишдан олдин ҳам, эрта турганда ҳам тиш тозаланади. Шундан кейингина бошқаларга юзлансин. Чунки жисм поклиги шариат, руҳ поклиги эса тариқатdir. Руҳ тозалигига жисм озодалиги орқали эришилади. Зинхор аксинча эмас. Болага бу икки тушунчани муштарак сингдириш лозим.

Қадимда одамлар аzon овози билан уйғонган. Шу орқали бола, умуман, ҳар бир инсон қалбига имон ўрнашган. Халқимизда «эрта туришда барака бор», «эрта туриб, эшикни очса, уйга фаришта киради», деган нақллар шундан. Эрта тонгдан боласига ҳар бир ота-она ўз маънавиятига, билим қўникмаларига мос – инсоний сўзларни танлаши жуда муҳим. Масалан, машхур саркарда Наполеон Бонапартни онаси «Туринг, сизни буюк ишлар кутмоқда», деган сўзлар билан уйғотгани айтилади. Бу айримлар учун эриш туюлар, аммо ўйлаб қўрайлик, балки шу даъват унинг қалбига ўрнашиб, шижаотга айлангандир!? Демак, болани уйғотиша аниқ мақсадга йўналтирилган сўз, иборалар қўлланиши муҳим.

Аллани эслайлик. У кўпроқ уйғотувчи бўлиб, бола қалбида у орқали ватанга муҳаббат, яқинларига садоқат, илмга ошнолик туйғулари, жасорат, дадиллик, имон-эътиқод фазилатлари уйғотилади. Алла билан ухлатилган бола нима учун аллага ҳамоҳанг оҳанг билан уйғотилиши мумкин эмас?!

Тонгда ўқилган китоб кўпроқ ёдда қолади. Мия тиниқкан, ҳар турли маълумот учун «очик» бўлади. Шу сабаб болага эрта тонгда китоб ўқиб берилса, шеър ёдлатилса, унинг ўзи шунга ўргатилса, мақсадга мувофиқ. Бунда «оддийдан мураккабга» тамойили ижобий самара беради. Бирданига йирик ва мураккаб асарларни таклиф қилиш кўзланган натижани беравермаслиги мумкин.

Эрталаб кунлик режа тузилади. Кун давомида унга амал қилингани кечга бориб текширилади. Шу усулда бола тартибга ўргатилади – ёлғон гапира олмайдиган бўлиб қолади. Зиммасидаги масъулиятни тўла англайди ва унга сўзсиз, энг муҳими, онгли амал қиласди.

БОЛАГА ЎРГАТИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН АМАЛЛАР

Фарзанд – мисоли оқ қофоз. Унга нима ёзилса, ўша ўқилади. Уларнинг маънан етук, миллий ва диний қоидаларга амал қилувчи бўлишини истаган одам, авваламбор, уларни бунга ўргатиши керак.

Овқатланиши маданияти. Овқатланишда ҳам одоббор. Ўнг қўл билан ейилади, чап қўл эса унга ёрдамчидир. Масалан, нон икки қўлда синдирилади. Таом еяётганда ўзининг олдидан бошланади ва шу тахлит давом эттирилади. Мехмондорчилик одобига кўра, таом ейишда мезбон биринчи бўлиб бошлайди ҳамда меҳмон тугатганидан сўнг тўхтайди. Бу меҳмонга

ортиқча нокурайлик туғдирмаслик учун зарур. Оила даврасида бўлганида таомни катталар бошлайди. Сув эса, халқимизда урф бўлганидек, кичикдан. Манбаларда овқатни очиқканда ейиш, шунингдек, ўта даражада тўймасдан тўхташ тавсия этилади. Оз-оз ейиш одобдан. Шарқона одоб қоидаларига кўра, овқат пишираётганда ҳам, овқатланаётганда ҳам бошкийим кийилади, тирноклар олинган бўлади. Овқатдан олдин ва кейин қўлни яхшилаб ювиш – суннат. Қўлни ювганда силкитмаслик, аксинча, сочиқда артиб қуритиш – одоб. Шунингдек, овоз чиқариб овқатланишдан тийилиш лозим. Бу атрофдагиларни беҳаловат қиласди, гашини келтиради. Таомда ҳам чекловлар бор. Масалан, тишга, соғлиққа зарар етказувчи ўта иссиқ емаслик, иссиқ ва совуқни бирга тановул қилмаслик, имонга дахл қилувчи бирорнинг ҳаққини куч билан олиб емаслик шулар жумласидандир. Шунингдек, айрим манбаларда иккита оқликни бирга ейишдан, уйқуга ётишдан олдин овқатланишдан, саримсоқпиёз тановул қилиб, одамлар даврасига қўшилишдан ҳам қайтарилиган. Халқимизда «увол» тушунчаси бор. Увол исрофнинг халқона таърифидир. Бизда нон қадрли. Чунки, тарихдан маълумки, юртимизда кўплаб босқинлар содир бўлиб, бу, табиий равишда, очарчиликларга ҳам сабаб бўлган. Биргина Иккинчи жаҳон уруши йилларини ёдга олайлик. Одамлар очликдан шишиб ўлган, бир бурда нон учун 18 соатлаб ишлаган. Аслида, бу – ибрат. Демак, шундай азиз бўлган ноннинг ушоинида ташламаслик муҳим. Зеро, ушоққа бўлган эътиборсизлик нонни қадрсиз қилишга кўчади. Мана шу – увол. Болаларни бунга ўргатиш керак.

Муомала маданияти. Катталар гапирганида кичиклар эшитади. Олимлар тингланади. Қадриятларимизга кўра, бир киши гапирганида бошқалар эши-

тади, яъни навбатма-навбат сўзланади. Муомаланинг боши – салом.

«Салом»нинг маъноси – «тинчлик». Демак, бошқага салом берган ҳар ким ўша инсонга тинчлик, хотиржамлик тилаган бўлади. Салом одобига биноан, озчилик кўпчиликка, ёшлар катталарга, шогирд устозга, уловдаги пиёдага, пиёда ўтирганга, қизлар ўғил болаларга салом беради (қаранг: Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 2-китоб. – Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 6231, 6232, 6233, 6234-ҳадислар. 409–410-бетлар). Аммо бу қатъий мажбурият бўлмасдан, ҳадисларда келтирилганидек, Аллоҳдан умиди кўп бўлган ҳар қандай инсон салом беришига шошилади. Демак, салом имон ишидир.

Болага уйда ҳеч ким бўлмаса ҳам, салом бериб киришни ўргатиш керак. Бу – ҳам одоб, ҳам қадрият.

Оғзида овқат билан гапириш – одобсизлик. Ҳожатхонада, ҳаммомда гапириш – одобсизлик. Бу жойларга чап оёқда кириб, ўнг оёқда чиқилади.

Муомала жараёнида сухбатдошнинг жинси, ирқи, миллати, дини эътиборга олиниши зарур. Акс ҳолда, бу ноқулай вазиятга сабаб бўлиши мумкин.

Ўртacha овозда, шошмасдан сўзлаш лозим. Бу ҳам одобдан. Сўзловчи тингловчига орқа ўгириб гапирмайди – тўғри бокади, сухбат жараёнида турли одобсиз хатти-ҳаракатларни қилмайди.

Ёлғон сўзларни айтмаслик – имондан. Устозлар, ота-она олдида тавозеъ зарур. Бунда чап қўл ўнг қўл устига қўйилиб, хиёл эгилган қўйи турилади. Жавобда ҳам шошма-шошарлик ярамайди. Мулоқот пайтида асосланган фикрлар, ҳикматлар, буюк зотларнинг сўзларини далил қилиш унинг таъсирчанлигини оширади. Болани тинглаш керак. Шу орқали у бошқалар фикрини хурмат қилишни, эшитишни ўрганади.

Сўзлаганда бесабаб, баланд овозда қулишдан қайтарилиган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қаттиқ қулиш кўнгилни ўлдиради. Инсон меҳрсиз, сохта мулизаматли бўлиб қолади. Ножиддий муомала эса инсонларни узоқлаштирувчиdir. Катталар билан юрганда ёшлар орқароқда туради. Одоб юзасидан.

Кўча маданияти ҳам борки, унга кўра, бирор эшик очик бўлса ҳам, ундан ичкарига қаралмайди. Бу масалада ҳадис бор: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳужраларидаги бегона кўздан пана қилиб турадиган тўсиқ оша ичкарига қаради. Шу пайт жаноб Расулуллоҳ қўлларида тароқ ушлаб турган эдилар, уни кўриб: «Агар қараб турганингни билганимда эди, мана шу тароқ билан қўзингни ўйиб олган бўлар эдим, зоро, изн сўраш (одати) қараш учун (ҳам) тайин қилинган!» – дедилар» (Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 2-китоб. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 6241-ҳадис. 411-бет). Демак, ўзгалар уйига унинг изнисиз мўраламаслик, қарамаслик, кирмаслик – суннат.

Дастурхон одоби. Халқимизнинг гўзал қадриятларидан бири – дастурхон. Унга ижобий ёндашув асрлар давомида шаклланган, мустаҳкамланган. Ундаги ҳар бир ҳаракат аниқ белгиланган. Одобга биноан. Халқимиз одатларига хос. Халқимизда меҳмондўст, сариштали, саранжом хонадонларга нисбатан «дастурхонли оила», деган нақлнинг қўлланиши шундан.

Таомдан олдин қўл ювилади. Қадриятларимизга биноан, кичиклар катталарнинг қўлига сув тутади. Бунда идишни ўнг қўл билан ушлаб, чап қўл орқали идишнинг олд қисмидан тутилади. Сал эгилиб, сув қўйилади. Сочиқ эса ўнг қўлнинг сув идишга яқин қисмига илинган бўлади. Унинг қуруқ ва тоза бўлишига эътибор берилади.

Болага ёшликдан мана шу адабни ўргатиш лозим:
– қиз бола дастурхон бўйида чўккалаб, бир томонга
хиёл қайрилган ҳолда ўтиради. Одатга кўра, чой улар
томонидан узатилгани боис бу иш нокулайлик туғдир-
маслиги керак. Чойнакдаги чой ўнг қўл билан сузи-
лади. Пиёланинг остки қисмидан ўнг қўл билан тут-
ган ҳолда узатилганда чап қўл ўнг қўл тирсаги остида
бўлади. Гавда олдинга сал эгилади. Бу – одобдан. Чой
узатувчи меҳмон юзига тик қарамайди, яъни кўзлар
пастга тикилган бўлади. Бу – ҳаёдан;

– ўғил болалар кўпинча чордона қуриб ўтириши
– одат. Унга кўра, оёқлар букилади, чалкаштирил-
ган ҳолда бир-бирининг остига қўйилади. Бунда
ҳам меъёр бор. Яъни, чордона қуриб ўтирганда катта
жойни эгаллаш тўғри эмас. Шунингдек, қўлларнинг
тўпиқ қисми тизза устига қўйилгани маъқул. Шунда
ювилган қўлларнинг тозалиги таъминланади. Дастур-
хон атрофида оёқларини ушлаб, яна таомга қўл уза-
тиш – беодоблик. Умуман, одатда, дастурхон атрофи-
да чордона қуриб ўтирилади;

– ўғил болалар учун ўтиришнинг яна бир тури
– чўккалаб, яъни тиззалаб ўтириш. Одатда, устоз-
лар, ёши катталар қошида шу тахлит ўтириш – одоб,
улуғларга хурмат. Дастурхон атрофида чўккалаб ўти-
риш нокулайлик туғдиради.

Баъзи хонадонларда стол атрофида жам бўлиш –
одат. Шунга кўра, стулга ўтиришда ҳам маълум одоб-
лар мавжуд: қоматни тик тутиб, тўғри ўтириш – одоб.
Икки оёқ ҳам пастга туширилган, яъни ерда бўли-
шига эътибор қаратиш зарур. Уларни чалкаштириш,
оёқларни ёки улардан бирини стул четига чиқариб
ўтириш ярамайди. Столга бағрини бериб, ётиб олиш
ҳам одобдан эмас. Бу одат кейинчалик, таълим муас-

сасаларига борганида асқотади. Чунки мактабларда ҳам стулга ўтирилади.

Дастурхон қиз ва аёллар томонидан тузатилиб, тўрга ҳурматли инсонлар ўтказилади. Хизмат қи-
лувчи, ёшлар дастурхоннинг пастки қисмидан ўрин
олишади. Таомнинг ўнгдан, тартиб билан, кетма-кет-
ликда тортилиши мақсадга мувофиқ. Оралатиб овқат
тарқатиш одобдан эмас. Бу бошқаларда салбий тасав-
вур пайдо қиласди.

Дастурхон устида сўзлашишга тақиқ йўқ. Аммо
бир киши гапириб, қолганлар тинглагани маъкул.
Шунда ҳам таомга, ҳалолликка оид ҳикматлар айти-
лиши мақсадга мувофиқ. Бу ўринда катталар кичик-
ларни тарбия мақсадида уришиши, бақириши тўғри
бўлмайди. Унинг ҳам ўз вақти бор.

Шунингдек, овқат вақтида телевизор кўриш, телевизор
фонда гаплашиш, ўйин ўйнаш, газета ёки китоб ўқиш
ҳам тавсия этилмайди.

Ухлаш одоби. Одатда, чарчаганда, кеч бўлганда
дам олиш мақсадида ухланади. Бунинг учун маҳсус
либос бўлиши, алоҳида хона ажратилиши афзал. Кўр-
па, кўрпача, ёстиқ учун табиий матолар танланиши
мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, уйқу олдидан тишлар тозаланиши,
қўл ва юз ювилиши лозим. Ҳадисларда ёғли қўл
билан ухлашдан қайтарилиган. Ҳар тун уйқу олдидан
кўзга сурма кўйиш – суннат.

Болани ёшлиқдан ўнг томонни босиб, ўнг қўл каф-
тини юз остига қўйиб ухлашга одатлантириш лозим.
Бу ҳадисларга мувофиқ. Юзтубан ёки чалқанча ётиш
– одобсизлик. Ибн Сино чалқанча ётиб ухлаш кишида
сакта, фалаж, босинқираш касалликларини келтириб
чиқаришини таъкидлаган. Расулуллоҳнинг шу тах-

лит ётганларни уйғотиб, «бу ишёқмасларнинг ётиши» эканини айтганлари келтирилади.

Ухлаш муддати ҳам белгиланган. Ёшга кўра. Масалан, болалар бир суткада 8 соат ухлаши – меъёр.

Ухлашга энг охири онанинг ётгани – одат. Бинобарин, у уй учун масъул бўлиб, хотиржам ухлаш учун электр, газ ва сув манбаларини узади. Эшиклар ёпилганига ишонч ҳосил қиласди. Пайғамбаримизнинг ҳадисларида таъкидланганидек, ичида егулиги мавжуд идишлар оғзини «бир дона чўп билан бўлса ҳам» бекитади. Болалари устини ёпади.

Замон талабидан деярли барчада уяли алоқа воситаси мавжуд. Уйқу олдидан уларни ўчирган ҳолда бир четга – ухлаш жойидан узоққа қўйиш керак. Тинчлик, соғлик учун. Тўйиб ҳам, оч ҳам ухлаб бўлмайди. Қайтарилган. Уйқу учун нимкоронғу жой танланиши керак.

Қиз ва ўғил бола алоҳида-алоҳида, ҳатто бошқа бошқа хонада ухлаши шарт.

Тушки уйқу ҳам бор. Грециядаги Asklepieion Voula госпитали мутахассислари, хусусан, доктор Манолис Каллистратоснинг сўзларига кўра, юкори босим кундузи мудраб олишни ёқтирувчиларнинг қон томирлари ва юрагига камроқ зарап етказади. Аммо кундузги уйқунинг ўз вақти бор. Тадқиқотчи Ўролбек Мустановнинг «Аршифу мултақо аҳлу-л-ҳадис» ва «Умму-л-жин ва шайатин» асарларига таяниб келтирган маълумотига кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ким аср намозидан кейин ухласа, ақлдан озиб, жинни бўлади. Шундан сўнг бошқани маломат қилмасин», – деганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос уйқунинг уч турини зикр қилган. Улар: 1. Табиий, яъни тунги уйқу (бу ҳақда юқорида келтирилди). 2. Фазилатлиси, яъни чошгоҳ уйкуси (қайлула). 3. Заарли, яъни куннинг охиридаги уйқу

(шом уйқу). Алломанинг таъкидлашича, бу вақтда фақат аҳмоқ, маст ёки касал одамгина ухлаши мумкин.

Куннинг биринчи ярмидаги фазилатли уйқу – «қайлула» дейилади. Бу – суннат. Расулуллоҳ: «Қайлула қилинглар, чунки Шайтон қайлула қилмайди. Қайлула заволдан олдин бўлади», – деганлар.

Аммо унутмаслик лозим, қуёш ва ой нури остида ухланмайди, бинобарин, Ибн Жавзий ўзининг «Тиб» асарида келтиришича, қуёшнинг ўткир нури эски касалликларни қўзгайди. Ой нури остида ухлаш эса инсон рангини сарғайтириб, бош оғриғига сабаб бўлади.

Очиқ жойда, ховлида, далада ухлашни истаган одам ҳар хил ҳашарот ва ҳайвонлардан ҳимояланиши – ухлаш одоби. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)дан ривоят қилинган бир ҳадисда шундай келтирилади: «Ким усти ёпилмаган очиқ жойда ухлаб ўлса, айни ўзидан кўрсин». Бунда унга ҳайвонлар ёки заҳарли ҳашаротлардан етиши мумкин бўлган хавф назарда тутилмоқда. Зеро, ухлаб ётган инсон ҳимоясиз, қаршилик кўрсатишга ожиздир.

Тозалик маданияти. Тозалик ҳамма нарсада бор. Халқимизда келинли ёки қизи бор уй ҳар тонг ҳовли олди тозалиги билан англаради. Мехмон ҳам, аввалимбор, уй тозалигига эътибор қаратади. Идишлар тозалиги алоҳида мавзу. Чети учган – синган ёки дарз кетган идишда емаслик, ичмаслик афзал. Бундай идишлар бошқаларга узатилса, одобсизлик саналади. Мазкур ҳолатда ашёларнинг янгилиги эмас, покизалиги муҳим.

Соч тозалиги ҳам муҳим. Бунинг учун сочни ўстириб юбормаслик, мудом ювиб туриш талаб этилади.

Тирноқ ўсиши тозаликка соя солади. Болани ички кийимларини, пайпоғини ҳар кун алмаштиришга

одатлантириш керак. Бола күчага чиқишдан аввал албатта ойнага қарасин.

Бола күчадан уйга кирганида оёқ ва уст кийимлари тозалиги текширилсін, уларни ўз белгиланған жойига тартиб билан қўйишга одатлантирилсін. Бир сўз билан айтганда, тартибга ўргансин.

Либос тозалиги инсон кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Болани нафақат ўзининг, балки ўзи ўйнайдиган ўйинчоқлари ҳамда китоблари «либос»лари, яъни китобжилларни ҳам тоза сақлашга ўргатиш лозим. Шунда у бошқалар меҳнатини ҳурмат қилишни ўрганади.

Тозалик таълими берилгандан буюк зотлар ҳаётидан ибратли ҳикоятлар, эртаклардан намуналар келтириш самара беради. Масалан, кўп эртакларда ёвузлик тимсоли бўлган ялмоғиз кампир мудом кир кийимли, сўйлоқ тишли, соchlари бетартиб ва ифлос ҳолда талқин қилинади. Лекин кўпроқ ижобий қаҳрамонларни ибрат қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Хуллас, поклик имондан. У қалб поклиига ҳам тааллукли. Зоро, юраги тоза инсоннинг амали ҳақ, чин инсоний бўлади.

Китоб ўқиши маданияти. Китоб, унинг аҳамияти, фойдаси ҳақида кўп гапирилган, гапирилаётир, гапирилади. Аммо баъзан китоб ўқишида муайян заарлар ҳам бор. Қуйида шулар ҳақида:

Танланган китоб ўқувчи ёшига мос бўлиши талаб қилинади. Шунда уни тушуниш осон кечиб, ўзлаштириш ҳам шунга муносиб бўлади. Болалар катталар китобларини ўқиши вақтни беҳуда сарф қилишдир. Шунингдек, катта ёшлиларнинг кичиклар учун мўлжалланган китобларга ружу қўйиши ҳам фойда келтирмайди. Фақат мазкур ишнинг болаларга сўзлаб бериш, намуна бўлиш мақсад қилиниши бундан мустасно.

Ўқилиши мақсад қилинган китоб жинсга мос бўлиши керак. Масалан, аёллар учун тавсиялар, маслаҳатлар уларнинг ўзигагина таалуқли бўлиб, уни ўқишдан эркаклар учун бирор манфаат йўқ. Бундан ташқари, қизларнинг физиологик ҳаётига тегишли китоб ўғил болалар онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва аксинча.

Манбаларда эътиқодга зид китоб ўқишдан қайтарилган. Инсон ўзи эътиқод қиласидиган динга оид манбаларни ўқиши кераклиги кўплаб олимлар томонидан таъкидланади. Ўзга эътиқод манбаларини ўрганишга интилган одам ўз эътиқодига дарз кетиши учун замин яратади. Шубҳага сабаб бўлади. Пайдо бўлган шубҳа борабора имон заифлашувига сабаб бўлиши исботланган. Оқибати – жамият ва қадриятлардан узилиш, яккаланиш ва инқирозлар. Болангизга буни раво кўрманг!

Ёт ғояларга йўғрилган китобларни ўқиш мумкин эмас. Маълумки, ғоялар бунёдкор ва вайронкор бўлиб, ёмон, иллат ҳисобланган мафкурага йўғрилган китоблар инсон қалби ва онгига гараз ғоялар шаклланишига олиб келади. Унинг вақти келиб ҳаётга кўчиши эътиборга олинса, вайронкор ғояларнинг зарар кўлами аён бўлади.

Қоронгуда китоб ўқиш – зарар. Инсоннинг имкониятлари чегараланган. Охири бор. Шу жумладан, кўриш салоҳиятининг ҳам. Уни асрар керак. Шу сабабдан ёзиш пайтида ёруғликнинг чап томондан тушиб туриши талаб этилса, ўқиш асносида китоб варақлари, ҳарфлар очик-ойдин кўриниши лозимлиги муҳим. Ҳикматларда келтирилганидек, аслида, кўз нурини зиёда қилувчи муҳим амаллардан бири КИТОБ ўқишдир.

Инсонлар шовқинда китоб ўқишдан ҳам қайтарилган. Кучли ва ёқимсиз овоз чалғитувчи, эътиборни

тортувчи бўлиб, фикрни бир жойга жамлаш имконини чеклайди. Бу эса табиий равишда асаб толаларига салбий таъсир кўрсатади. Инсон шундан жizzаки, асабий бўлиб қолади. Ақлан ва руҳан толиқади.

Ҳаракатланаётган ёки силкинувчи транспортда китоб ўқиш ҳам зааралидир. Бунда кўзни бир нуқтага қаратишнинг имкони камайиб, кўз тезда толиқади, чарчайди. Демак, жамоат транспортларида имкон қадар ўқимаслик тавсия этилади. Зеро, бу автобусга энди чиқкан, ўтиришга муносиб, ўзидан катталаарни кўриш имконини ҳам беради. Поезд ҳамда самолёт каби транспортлар бундан мустасно.

Телевизор кўриб турган пайтда ҳам ўқимаслик лозим. Инсон онги одатда битта иш билан банд бўлиши керак. Аксинча бўлса, у зўриқади. Китобдаги илм телевидение орқали узатилаётган ахборотлар билан қоришиб кетади, ўқувчи – томошабинни чалғитади. Натижада, бу одам улардан бирортасини ҳам ёдда сақлаб қола олмаслиги мумкин. Икки қайиқка бир вақтда чиқмоқчи бўлган одам воқеасини эсланг. У, охир-оқибат, иккаласига ҳам ета олмайди.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирда аксар одамлар орасида урф бўлган эрталабки нонушта ёки кечки овқат маҳали дастурхон атрофида газета ёки китоб ўқиш, аслида, зарар. Бу билан айримлар дам олгандек бўлади, аммо бундай одам таомдан тўйганини билмайди, еяётган овқатининг таъмини ҳис қилмайди – роҳат, хузур топмайди, энг ёмони, фикрини бир жойга жамлай олмайдиган, фикри тарқоқ, хаёли паришон бўлиб қолиши мумкин.

Китоб ўқишдан ёмонлик қасд қилинмайди. Яъни, бирорвга ёмонлик соғиниб, китобдан иллат услубини излашдан қайтарилган. Китоб – эзгу амаллар манбаи. Унга амал қилиш лозим. Мўътабар манбаларда кўп

амаллар ниятга боғлиқ экани алоҳида уқтирилади. Демак, ниятни яхши қилиш, хулосани тӯгри чиқариш инсонга хос фазилатлардан.

Ўқишида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор – илмидан, билганидан мақтаниш, кибр қилиш – зарар. Таниқли адиб келтирганидек, бир одам бошқалар билмайдиган нарсаларни билиши билан фаҳр қиласи. Шу сабаб мамлакатдаги барча поездлар йўл харитасини ёдлаб юради. Унга бу хусусда савол берган одам унинг «тўри»га тушар, осонлик билан қутулиб кета олмас эди. Чунки бу одам унга поезднинг барча бекатлари тўғрисидаги маълумотни «тўкиб-солар» эди. Безор бўлган одамлар уни шу илмнинг «билимдони» – маълумотхона ходимига рўбарў қилишди. Енгилганини тан олган бу одам ўйлай-ўйлай шаҳардаги биноларга олиб кирувчи зиналарни санай, ёдлай бошлайди... Бу инсон илмига кибри туфайли умрини зое, бесамар кетказмоқда. Ваҳоланки, ҳамма билса ҳам, фойдали илмга ружу қўйиш лозим. Ундан ҳаволанмаслик эса инсоний фазилатdir.

Хуллас, китоб ўқиши ҳам санъат. Тўғри ўқиши ақлни чархлаб, рухга қувват беради. Инсонларни фикрида катъий, сўзларини кескир қиласи. Маънавиятни юксалтиради. Тарбияни осонлаштиради. Жаҳолатни кетказади.

Кўғирчоқ, ўйинчоқ танлаши маданияти. «Бола – бошдан, ақл – ёшдан» нақли – халқимизнинг бошқа ҳикматлари каби узоқ тажриба натижаси. Ҳақиқатда, ақл, одоб, хулқ ёшлиқдан олинади. Уларга бу ҳисни сингдиришнинг бир усули – ўйинчоқ. Улар турлича бўлади: катта, кичик; юмшоқ, қаттиқ; қиз бола, ўғил бола; кекса, ёш; инсон, ҳайвон...

Улардан кутилган натижага ҳам бор – болада дунёни тасаввур қилдириш, катта ҳаётга тайёрлаш, маъна-

виятию маърифатини ошириш. Эътибор қилинса, бу одам боласига туғма – Аллоҳдан юқтирилган. Унинг қўлига ўйинчоқ беринг – бола уни албатта синдиради. Чунки унга ўйинчоқнинг ичига яширинган нарса муҳим. Билимга интилмоқда. Ўз услубида. Ноодатий.

Шу ўринда айтиш керакки, бола бешигига илинадиган ўйинчоқ унинг жинсига мос, беозор, безарар, агар овози бўлса, паст, сокин товушли бўлиши керак.

Ўйинчоқнинг бир тури – ҚЎФИРЧОҚ. Қўғирчоқни қадимда кўпроқ қизлар ўйнаган ва, асосан, инсон қиёфасида бўлган. Ҳатто, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Пайғамбаримиз ҳам қизларнинг бу турдаги қўғирчоқларни ўйнашига эътиroz билдиrmаганлар. Демак, бу ҳам диний, ҳам миллий қадриятларимизга мосдир.

Қўғирчоқни ўғил болалар ҳам ўйнаган. Улар учун маҳсус сополдан ёки ёғоч парчасидан ҳайвонларнинг нусхалари ясалган. Назаримизда, бу юртимизга хос дехқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ.

Қарангки, қўғирчоқ катталарнинг қўлида ҳам бўлган экан. Улар сеҳр вакиллари бўлиб, буюртма асосида бировларга заарар етказиш учун инсон қиёфасидаги қўғирчоқлардан фойдаланишган. Пинҳона. Моддий манфаатдорлик эвазига.

Умуман, қўғирчоқ ўйнаш катта ёшлиларга хос эрмак эмас. Аммо инсоният ҳар томондан ўзгариб, ўйинчоқлар ҳам ёш жихатдан «улғайиб» бормоқда. «Улғайиш»ни «Барби» қўғирчоқлари бошлаб берди. «Барби» тарихининг бошланиши фаҳш билан боғлиқ, ривожи ҳам «оммавий маданият»га алоқадор бўлди. У ёт ғоялар тарғиботчиларининг қўлида қуролга айланди. «Барби» жони, ақли, сўзи бўлмаса ҳам, ўтган яrim асрдан кўпроқ мобайнida қанчадан-қанча инсонларнинг маънавий тарбиясига путур етказмади, дейсиз?!

Натижада, дунё аҳолиси унга қўнидди – қабул қилди. Катталарга муносиб қўғирчоқ болалар қўлига тутқазила бошлади. Болаларига овунчоғини бериб қўйган «оталар» янги эрмак излай бошлади чоғи. Ёки уларга «Барби»нинг янги, улғайган кўриниши таклиф этилди. Бунга бошқача таъриф бериш ҳам мумкин – «Барби»нинг болалари дунёга келди. Янада шаҳватли. Янада хатарли.

Биз истеъмолда бўлган «хизматкор қўғирчоқ» номи билан танилган матоҳлар хусусида сўзламоқдамиз. Ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилингач, секинаста моддийлик касб эта бошлади, яъни турли усуллар билан юртимизга олиб кирила бошлади улар. Уларнинг кўринишлари, ҳажми ҳар хил. Шу жумладан, сифати ҳам. Демак, улар оддий товар, эҳтиёж, талабга кўра, ишлаб чиқариладиган маҳсулотдек қабул қилинмоқда. Истеъмолчилари эса ўзларини илғор фикрли шахс, замонавий инсон ва, ҳатто, ғарб тадқиқотчилари таъкидлаётганидек, фоҳишабозликдан сақловчилар, дея эътироф этмоқдалар. Гўёки улар инсониятни фаҳш ишлардан сақлаб қолишнинг идеал йўлинни топганлар-у, шу сабаб замон қаҳрамонларидирлар. Во, ажаб! Улар шаръян Аллоҳнинг низомига қарши чиқиб, эркак ва аёл жуфт яшаши лозимлигини, ҳаётнинг ҳақиқий лаззати шундан эканини инкор этишаётир. Ҳукуқан юртимизда мавжуд қонунларни назарга илмасдан, қадриятларимизни топтаб, миллийлигимизни таҳқиrlамоқда. Энг ёмони, уларнинг ёрдамчилари, хизматкорлари орамиздан топилаётир.

Бу иллатга миллат қарши турмас экан, кексалар насиҳатда устувор, устозлар тарбия ва таълимда тўғри, адолатли бўлмас экан, вазиятни ислоҳ қилиб бўлмайди. Бу тур қўғирчоқлар максадига етади: инсонларнинг табиий эҳтиёжини сўндиради, қалбини ўлди-

ради. У эса манқурт, маънан ўлук инсондир. У инсон – жуфти ҳалолни ножиддий матоҳга айлантириб қўяди. Инсоннинг одам сифатида қадри йўқолади.

Маҳалладек аналоги йўқ институт бизда бор. Унга тақлид қилаётган, андоза олишга интилаётганлар талай. Аммо унинг фаолияти ҳозирда тўлақонлими? Маҳалла фаоллари хонадонларда содир бўлаётган воқеалардан воқифми? Маънавий таназзул маҳаллаларга кириб бормаслиги учун нималар қилинмоқда? Кейинги режаларимизда қадриятларга, миллийликка, динимизга дахлдор қандай вазифалар мавжуд?

Бу саволлар маънавиятга дахлдор ҳар бир ташкилотга, керак бўлса, ҳар бир фуқарога қаратилган. Уларнинг жавоби ҳам табиий равишда ўзимиздан.

Ўйинчоқларга эзгу гояларни сингдирайлик. Уларни беғубор болаларга қайтарайлик. Бу борада таълим муассасалари ташаббус кўрсатиши лозим.

Катталар эса... Уларнинг ўз вазифаси, мажбуриятлари бор. Улардан энг афзали – тарбия. Сифатли таълим, тўғри тарбия ёш авлодни кейинги, ҳаётда кутиб турган турли кўринишдаги таҳдидлардан, ёт таъсирлардан ҳимоядир. Миллий тарбия эса каттага катта, кичикка кичикдек бўлишни ўргатади.

Тақлидга ким муносиб ёхуд «кумир» танлаши маданияти. Инсон тақлидга мойил. Тақлиднинг ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Айтиш жоизки, ҳозирда тақлиднинг иллат томони кўпроқ намоён бўлиб қолмоқда. Бу фикр ҳатто мультфильмларда ҳам ғарбпарастлик кузатилаётгани билан изоҳланади. Ёшлар ҳам. Катталар ҳам. Бу сингари миллийликдан қочиш муайян асосга эга.

Олиб борилган кузатувлар натижасида шу нарса маълум бўлди, авваламбор, ғарб мультфильмлари жозибадор қилиб ишланган. Уларда инсонларнинг диди,

дунёқараши, нозик жиҳатлари эътиборга олинган. Танланадиган ранглар ҳам, ҳаракатлар ҳам шунга мос.

Шу сабабдан ғарб анимациялари томошабинни ўзига тортмоқда. Иккинчидан, улар сюжетида кўпинча ваҳшийлик, қотиллик ёқланади, чиройли саҳналарда тарғиб қилинади гўё. Мазкур ҳолат қайсиdir жиҳати билан болаларни катта фильмларга тайёрлашдир. Умуман, бу – мақсадли иш. Шунга кўра, вайронкор ғоялар ўринли-ўринсиз тиқиширилаверади.

Бола – қизиқувчан, зийрак. У таҳлилсиз қабул қиласди. Борича. Тақлид билан. Бундай руҳдаги мультфильмларни тизимли, мақсадсиз томоша қилиш, охир-оқибат, турли қўринишдаги экстремизмни вужудга келтирувчи омил сифатида баҳоланиши мумкин. Телевидение ва дисклар орқали намойиш этилган мультфильмлар Интернет ўйинлари билан мустахкамланмоқда.

Энг муҳими, болаларда Интернет ўйинлари ҳамда мультфильмларда тарғиб этилган ёвузыкни ҳаётга татбиқ қилиш иштиёқининг пайдо бўлишидир. Айни шу нарса экстремизм учун эшик очади. Бинобарин, у ўз ўлжаларига қилган ёвузылиги учун жавобгар бўлмасликни ваъда қиласди. Яъни, уларни руҳлантиради.

Учинчидан, аксар ғарб мультфильмларида ёмонлик яхшилик тарзида тарғиб этилади. Бошқага зарар, озор етказиш, ўлдириш ижобий қаҳрамон томонидан содир этилиши яхшилик кўринишида талқин этилади. Бу эса ўзини мутлақ қаҳрамон – ижобий образ деб билувчи болаларга қувват, «илҳом» беради. Уларда «мен ҳам кимнидир ўлдирсан, қаҳрамон бўламан ва қаҳрамон ўлдириши керак», деган тушунча, ғоя инсоннинг онгига секин-секин сингиб бораверади.

Тўртинчидан, ғарб мультфильмларида нотаниш – биз кўникмаган маданият акс этади. Шуниси би-

лан қизиқ. Ўрганган жамоамизда бошқача – биз аввал учратмаган либосларни кийган одамни күрсак, унга маҳлиё бўламиз. Ёки бошқача сўзловчи, бошқача ҳаракат қилувчи одам – улар бизнинг эътиборимизни тортади. Мана шу жиҳат болаларнинг диққат-марказида туради, назаримизда. Яъни, ғайриоддий маданиятга қизиқиш унга интилишни келтириб чиқаради.

Бешинчидан, ғарб мультфильмлари осон «хазм» бўлади. Уларни кўриш жараёнида тафаккурга эҳтиёж йўқ. Сюжети содда, саёз – асосий эътибор ранг, ҳаракат, либосларга қаратилади. Оддий воқеалар кетма-кетлиги томошибинни чарчатмайди, ақлни ишлатишига эҳтиёж уйғотмайди. Бола экран қаршисида шунчаки ўтиради, маза қиласди, кулади, ўйнайди ва бўлди.

Кўриниб турганидек, ғарб фильмларининг фойдасидан зарари кўпроқ. Хўш, уларни кўрмаслик учун нима қилиш лозим?

Мўътабар манбаларда келади: «Савол – илмнинг ярми». Шунга кўра, ёшларда, умуман, барча ёшдагиларда тўғри савол бериш маданиятини шакллантириш зарур. Одамлар савол берсин. Мультфильмлар ҳақида. Фильмлар тўғрисида. Амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунидан, мақсадидан. Кўрсатувлар ғояси борасида. Масалан, нима учун биз ўрганган дунёда асли мавжуд бўлмаган махлуқ – мультфильм қаҳрамони? Шрек нима ёки ким? Уни кўрсатишдан максад нима? Маънавият ундан қандай фойда кўради? Тарбия-чи? Болани хаёлот оламига йўлламаяптими? Ҳаётда йўқ нарсаларни шакллантиришга ўргатмаяптими? Яна бир қаҳрамон – смурф.

Нима учун улар жамоасида факат эркаклар? Катталарни-да ром этган қизиқ фильм замирида қандай ғоя яширинган? Улар орасидаги биргина қиз бола ҳам сехр билан смурфга айланганида қандай маъно бор?

Жинсни ўзгартиришга ундаш эмасмиカン? Хуллас, шу каби саволларни ҳар бир ота, ҳар бир она ўзига бер-син? Жавобини изласин. Тафаккур билан. Фаросат билан. Бу эса масалага илмий, ақлий ёндашувдир. Зеро, кимда ақл тарозиси бўлса, унда илм тарозиси ҳам бор. Илм таҳлили, ақл талқинидан ўтган маълумот ҳаётийликка айланади. Баъзан мана шу таҳлил унтиб қўйилаётгандек.

Айримлар мазкур ҳолатда телевидениени айблайди. Улар учун энг осони «телевидение кўрсатяпти – биз кўряпмиз» қабилидаги ёндашувдир. Бу тўғри эмас. Телевидение – ўзига хос тижорат соҳаси. У харидоргир «маҳсулот»ни таклиф қиласди, бинобарин, ундан фойда кўради. Айрим фуқаролар истеъмолчилик масъулиятини унтиб қўяди. Истеъмолчи нима таклиф қилинса, ўшани олавериши керак эмас. Нима учун озиқ-овқатни, либосни ва, ҳатто, турмуш ўртоғини танлаймиз-у, фильмни, мультфильмни, кўрсатувни танламаймиз, сараламаймиз. Истеъмолчи огох, даҳлдор бўлиши, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириши, керак бўлса, ўз фикр-мулоҳазалари билан телевидениега мурожаат қилиши зарур.

Президентимиз тилидан мудом тақрорланаётгандек, уйғониш керак. Уйғониш фақат кўзни очиш билан содир бўлмайди. У ҳар битта жараёнга муносабатдир.

Фарзандлари келажагини ўйлаган инсон ўз тақдири ҳақида қайғурган бўлади. Бугунги тарбия эртанги баҳтимиз эшиги, баҳтимиз бешигидир. Кексайгандан хотиржамлигимиз гаровидир.

Шрек билан дўст тутинган, хаёлот оламини чин билган боладан нимани кутиш мумкин? Улғайганида отаси ўрнига Шрекни изламайдими?

Ғарб мультфильмларидан бирида ўзга сайёралик ерлика савол бермоқда: «Сиз, ерликлар, нима учун

ит ва мушук боқасиз?» Ерлик қаҳрамоннинг жавоби жуда қизиқ: «Кексайганда ёлғиз қолмаслик учун!» Бу бизни нима учун ташвишга солмаяпти? Наҳот кексайганимизда содик дўстимиз сифатида ит ё мушукни истасак?! Бизда кексайганда ёлғиз қолмаслик учун боласини чиройли тарбия қилмайдими?! Кўйнимизда ит эмас, набирамиз ўйнашини истамаймизми?!

Кўриниб турганидек, бу масала ҳам ўзига хос муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Демак, ғарбона ҳаёт тарзини ўзимизга ибрат намунаси сифатида қабул қилишдан тўхташимиз керак. Либосда ҳам. Фильмларда ҳам. Мультфильмда ҳам. Одатлар, қадриятларда ҳам.

Хуллас, мультфильмлар беозор, аниқ манбага таянган, қадриятларга мос бўлиши, урф-одатларимизни тарғиб қилиши зарур. Катталар кўрган фильмлар кичикларга таклиф этилсин. «Уч оғайнини ботирлар», «Зумрад ва Қиммат», «Алпомиш»... Бу мультфильмларнинг барчаси замирида аниқ тарихий манба бор. Бу эса уларнинг давр чиғириғидан ўтганини англатади. Халқ тафаккурида сайқал топиб, бир тизимга тушганини билдиради ва у тарбиявий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Эътибор қилинса, телевизор ҳар бир уйда бор ва барча нигоҳ унга қаратилади. У уйнинг энг азиз аъзосига айланган гўё. Бу «аъзо» бизга нималарни раво кўрмоқда? Ўйлаб кўрайлик. Вайронкор ғояларни сингдирмоқда экан, уни ўчириб, китоб ўқиш мумкин. Зоро, китоб илм манбай, маърифат булоғидир.

Миллийликни сақлаш – замон талаби. Аждодлар ўғити. Шу юрт вакили бўлганимиз мажбурияти. Шу фазилаттга амал қилинсагина бизни маънавиятнинг тарқатувчиси сифатида билган дунё шу руҳда эслаб

қолади ва маънавиятга эҳтиёж сезганда бизга мурожаат қиласкеради.

Ҳатто имонда ҳам тақлид бор. Масалан, юртимиздаги урфга кўра, бобоси, отаси, яқинлари мусулмон бўлгани сабаб одамлар ўзини исломда деб билади. Улар ўз имонини ривожлантириб бориши билан комилликка интилади. Шундай одамлар борки, боласига орзусидаги инсонлар исмини ҳавас қилиб қўяди. Бугун кимнингдир ўз боласига мисрлик таниқли футболчи Муҳаммад Салоҳ номини қўйгани ҳақидаги хабарлар эшитилмоқда. Аввалроқ Жимми, Рональдо, Месси, Ишани номларини оталар фарзандлари учун танлагани бизни ажаблантирган бўлса, собиқ тузум даврида учраб турган МЭЛС – Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин исмларининг йифиндиси эканини кўпчилик ҳам билмас эди. Мазкур ҳолатларни қайсиdir маънода тушуниш мумкинdir. Чунки улар маънавиятидан йироқ, бехабар бўлган. Аммо бугун маънавиятимиз, қадриятларимиз қайтган. Биз аждодларимиз маҳобатидан, салобатидан, илмининг зиёсидан хабардор бўлдик. Шундай экан, болаларимизга ибрат, тақлид учун айнан уларни танлаш вақти етди. Зоро, бу буюк зотларнинг мероси ўз юрти сарҳадларидан чиқиб, дунёни забт этган. Болалари қўлидан тутиб, маҳалласи, тумани, шаҳри, қолаверса, юртимизнинг турли гўшаларидағи улуғ зотлар, олимлар, авлиёлар қўним топган қадамжоларга бориш, улардан фарзандларини хабардор қилиш, илм олишга рағбатлантириш катталарнинг энг биринчи вазифасидир. Зора, ўшанда болаларимиз орасида Муҳаммад, Аҳмад, Маҳмуд, Алишер, Темур, Жалолиддин, Улугбек, Бобур, Нодирабегим, Зулфия, Жаҳонотин... исмиллари кўпайса. Зотан, бу табаррук исмлар ҳам жисман, ҳам мазмунан муносиб эгаларини кутмоқда.

ТАРБИЯЧИ МАЬНАВИЯТИ

Тарбиячи ҳам она. У мактабгача таълим муассасига келувчи ҳар бир болани ўз фарзанди сифатида қабул килиши лозим. Шундагина у берган адаб самарали, таъсирчан бўлади.

Тарбияланувчиларга уйга кириш, ундан чиқиш, муомала, салом ва хайр, ювиниш, кийиниш, овқатланиш маданиятларини, ўйинчоқ танлашни ва қандай ўйнашни ўргатсин. Шу тахлит болани катта ҳаётга тизимли тайёрлаш унинг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланиши зарур.

Хаё, ибонинг ilk сабоғини берсин, шакллантирисин, кучайтирсин. Унутмаслик керакки, аждодларимиз хаё билан улуғликка эришган.

Ўғил болаларда эркаклик, қиз болаларда аёллик фазилатларини шакллантириш керак. Бунда мақсадли ўйин усуллари, кўғирчоқнинг зарур турини танлаш мухим аҳамият касб этади.

Тарбиячи болалар онгига қиз ва ўғил болаларнинг алоҳида-алоҳида ётиши уйқу одобларидан эканини сингдирисин. Шунингдек, уйқу либоси бошқа кундалик юмуш кийимларидан алоҳида жиҳатлари билан фарқ қилишини ўргатсин. Ҳар бир бола ўзининг ва нарсаларининг аниқ, ўзгармас жойини билсин ҳамда уларни тартибли, тоза-озода саклашга одатлантирилсин.

Тарбиячи баланд, каттиқ овозда сўзламасин, ҳақоратли оҳангдан йироқ бўлсин. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудида бундай сўзлардан фойдаланилмаслиги таъминлансан. Бунинг ўрнига халқ мақоллари, ҳикматлардан унумли фойдаланилсин.

Муассасанинг ҳовли қисмига овоз кучайтиргичларни жойлаштириб, улар орқали сокин, миллий мумтоз куй ва қўшиқлар қўйилиши маънавий, илмий

мухит яратишга хизмат қиласи. Бу амалиёт айрим шарқ мамлакатларида ҳаётга жорий этилган. Натижә қувонарли: сокинлик, хотиржамлик ва унумдор меҳнатга эришилган.

Миллий мумтоз қуй ва қўшиқлар болаларда ёдлаш, эътибор, сезгирик қобилиятларининг ривожига ҳам хизмат қиласи; ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиради. Бунинг учун улардан бугун қандай қуйлар янграгани, қайси қўшиқ қуялангани мунтазам сўраб борилиши кифоя қиласи. Маълум қисмини жўр бўлиб қуяланаш ижобий натижә беради.

Болаларни жисмоний меҳнатга ўргатиш ҳам муҳим. Бунинг учун аввалбошда меҳнат қуролларининг ўйинчоқ нусха кўринишидан фойдаланиш муваффақият гаровидир.

Бундан ташқари, ибрат маданиятини шакллантириш ҳам муҳим. Бунинг учун замонамизнинг машҳур кишилари билан ижодий учрашувлар ташкил қилиш, буюк аждодларимиз меросини доимий равишда тарғиб қилиб бориш лозим бўлади.

Мактабгача таълим муассасасининг ташқи деворлари, ҳовлиси, хоналари, ошхонаси ва, ҳатто, уйку хонаси ҳам эътиборга молик ҳисобланади. Улар миллийлик руҳида жиҳозланиши керак: чизилган ҳайвонлар суратлари ҳам, майдончадаги ҳайкалчалар ҳам, экилган ўсимликлару дараҳтлар ҳам, кутубхона жавонларидаги китоблар ҳам, тарбия жараёнида фойдаланилаётган созлар, чолғу асбоблари ҳам миллийлигимизга мос келиши талаб этилади.

Энг муҳими, тарбиячи болаларда китобга ошнолик ҳиссини кучайтирсин, эътиқодга ўргатсин. Зоро, китобга ошно, эътиқод ўрнашган қалб комилликка дахлдор бўлади.



ХУЛОСА

Турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқликда яшагани, энг муҳими, бу қадрият уларга ёшлиқдан ҳар хил кўринишдаги тарбия усуллари ёрдамида сингдирилгани тариҳдан маълум. Асрлар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши, ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир. Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, буддавийлик ва бошқа кўхна динлар вакиллари бирга яшагани бунинг ёрқин далилидир. Улар елкама-елка меҳнат қилган, қўшничилик анъаналарини ривожлантирган, куда-андачилик ришталари билан боғланган. Айтиш жоиз бўлса, буларнинг барчаси шарқона тарбия натижаси, юртимизда қарор топган ислом динининг бағрикенглик тамойили самарасидир.

Бугунги кунга келиб ҳам юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари нафақат турли тилларда сўзлашади, балки турли динларга ҳам эътиқод қиласи. Ҳозирда республикада турли миллат ва элатлар вакилларининг диний урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларини сақлаб қолиши учун етарли шарт-шароит яратилган: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъана-

лари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»¹.

Ҳар бир фуқаро мавжуд қонунчилик асосида ҳаёт кечирап экан, у конституцион хуқуқларга эга. Бу хуқуқлардан бири ва, айтиш жоиз бўлса, энг муҳими, унинг эътиқодий хуқуқидир. Чунки инсонлар эътиқод учун жон фидо қиласи, унинг келажак авлодга бекаму кўст етказилишига дилу жони билан ҳаракат қиласи. Қай юртда бу хуқуқ хурмат қилинар экан, ўша ер, шубҳасиз, равнақ топади. Мамлакатимиз бу фикрнинг ёрқин далилидир.



¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 5-бет.



МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Оила – маънавият ўчоги	5
Оналик масъулияти.....	6
Фарзанд – неъмат	8
Тарбия – келажакка йўл.....	10
Уйқу маданияти	14
Болага ўргатилиши шарт бўлган амаллар	15
Тарбиячи маънавияти	35
Хулоса.....	37

РЕСПУБЛИКА МАҢНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ИРГАШ ДАМИНОВ

**ОТА-ОНА – ҲИҚМАТ,
ФАРЗАНД – ЧИРОҚ**

(Методик құлланма)

Тошкент «Маңнавият» 2019

Мұхаррір *C. Холбеков*

Мұсаввир *C. Шұхрат*

Мусақхих *Ф. Ахмедова*

Компьютерда тайёрловчы *Ш. Соғибов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишига 17.05.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартлы б. т. 2,10.
Нацр т. 1,84. 2000 нұсха. Буюртма № 19-18. Нархи шартнома асосида.

«Маңнавият» нашриётида чоп этилди.

100047. Тошкент, Таракқиёт 2-берккүча, 2-үй. Шартнома № 07-19.